



Парфия империяси (мавжудлик даври: милоддан аввалги 247 йил – милодий 224 йил) энг йирик эронлик давлатлардан бири бўлиб, Аршак I томонидан ташкил этилган. Аршак I Парни кабиласининг етакчиси бўлиб, империяни Эрон шимоли-шаркидаги Парфия худудида ташкил этган. Ушбу худуд аввал Селевкидлар империясининг сатрапияси бўлиб, исён йўли билан мустакилликка эришган.

Империя ўзининг энг катта кенгайишини Митридат I даврида (милоддан аввалги тахминан 171–132 йиллар) амалга оширди. У Селевкидлардан Мидия ва Месопотамияни тортиб олди. Парфия империясининг кудрати авж палласида хозирги Туркиянинг марказий-шарқий худудларидан бошлаб Афғонистон ва Покистоннинг гарбигача чўзилган. У Ипак йўлида муҳим савдо нуктаси бўлиб, Рим империяси ва Хитойнинг Хань сулоласи ўртасидаги савдо алоқаларини таъминлаган.

Маданият ва бошқарув

Парфияликлар империяси турли маданий унсурларни ўзига сингдирди. Бу маданиятга форсий, эллинистик ва маҳаллий таъсирлар санъат, меъморлик, дин ва шохлик рамзларида ўз аксини топган. Дастлаб эллин маданиятини қабул қилган Аршаклар сулоласи ўзини "шохлар шоҳи" деб атаган. Бора-бора улар Эроннинг анъаналарини тиклай бошладилар. Ахамонийлар марказлашган бошқарув услубидан фарқли равишда, Аршаклар маҳаллий подшоҳларни вассаллар сифатида қабул қилиб, камрок сатрап тайинлаган. Империя пойтахти Нисадан Ктесифонга (хозирги Бағдод яқинида) кўчирилди.

Урушлар ва таназзул

Парфиянинг дастлабки душманлари Салавкийлар ва скифлар эди. Гарбга кенгайган сари Арманистон киролиги ва кейинчалик Рим республикаси билан тўқнашувлар юзага келди. Парфия ва Рим Арманистон устидан назорат учун курашган. Римга карши асосий жанглардан бири милoddан аввалги 53 йилдаги Карра жанги бўлиб, шунингдек, 40–39 йилларда Левант худудларини эгаллаш кирган.

Бунда ташки душманлардан кўра ички фукаролик урушлари кўпрок тахдид тугдирган. Империя 224 йилда Ардашир I томонидан агдарилди. У Форсда хокими сифатида сўнгги Аршак сулоласи хукмдори Артабон IVни агдариб, Сосонийлар империясини ташкил этди.

Тарихий манбалар ва санъат

Парфия тарихий манбалари Ахамонийлар ва Сосонийлар давридаги манбаларга нисбатан чекланган. Унинг тарихи асосан юнон, рим ва хитой тарихий манбаларидан маълум. Шунингдек, клинопис лавхалар, ёзувлар, тангалар ва айрим пергамент хужжатлар оркали ҳам маълумотлар олинган. Парфия санъати ҳам уларнинг жамияти ва маданияти хакида кимматли маълумотларни беради.

Абу Муслим